ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ТАРИХИГА НАЗАР

Хуршид Сирожиддинович ЖУМАНАЗАРОВ
докторант
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тарих институти
Тошкент, Ўзбекистон
Xurshid_87@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбекларнинг табобат анъаналарининг ўтмишдаги ҳолати ва сўнгги йиллардаги ривожланиш йўли ёритилган.

Таянч сўзлар: анъанавий табобат, табиб, эмпирик билим, синиқчи, аттор, каххол, қон олиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ

Хуршид Сирожиддинович ЖУМАНАЗАРОВ
докторант
Институт истории
Академия наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
Xurshid_87@mail.ru

Аннотация

В данной статье освещены историческое положение народной медицины и ее развитие в последние годы.

Ключевые слова*:* традиционная медицина, знахарь, эмпирические знание, костоправ, аттар, глазной лекарь (каххол), кровопускание, ВОЗ.

Табобат анъаналари халқнинг кундалик турмуш тарзи, машғулот тури, табиат билан муносабати асосида шаклланган эмпирик билимлар йиғиндисидир. Табобат анъаналари таркибий жиҳатдан касалликнинг олдини олиш, даволаш, ташхис қўйиш ва атроф-муҳитда мавжуд бўлган табиий воситалардан малҳам тайёрлашга асосланган халқ билимлари мажмуаси саналади. Табобат анъаналари ташхис қўйиш, даволаш ва дори тайёрлаш каби умумий учта таркибий қисмдан иборат бўлсада, ҳар бир халқнинг географик жойлашуви, иқлим шароити, асосий машғулот тури каби омиллар натижасида амалиётда хусусийлик касб этади, тадқиқотчи олимлар табобат

анъаналарини халқ табобати, анъанавий табобат ва илмий тиббиёт каби шаклга ажратади.

Халқ табобати нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, этнос асрлар давомида тўплаган тиббий қарашлари асосида содда усул ва дорилар билан касалликларни даволаш шакли бўлиб, тиббий угитлар, тажрибалар авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келади. Шу сабабли халқ табобати таркибига ҳам мистик ҳам эмпирик табобат усуллари аралаш ҳолатда ҳам учрайди. Халқ табобати усуллари доирасида аниқ чегарани ажратиш қийин.

Анъанавий табобат ушбу соҳа вакиллари (табиблар) томонидан изланишлар натижасида қўлга киритилган тиббий шакллар, усуллар ёрдамида саломатликни сақлашга қаратилган билимдир. Унинг ютуқлари авлоддан-авлодга ёзма шаклда етказиб берилади. Одатда анънавий табобатда табиблар шогирд тайёрлаши, мактабини яратиши ва ўз билимларини келажак авлодга қолдириш каби қонуният мавжуд. Шу сабабли анъанавий табобат аниқ тиббий илмга асосланган, тажрибадан ўтган усуллар йиғиндисидир. Анъанавий табобат характер жиҳатдан эмпирик табобат шакли ҳисобланади.

Илмий тиббиёт замонавий илм ютуқларини ўзида жамлаган ва барча техник жиҳозлар билан таъминланган замонавий даволаш усулларидир. Қисқача айтганда шакл жиҳатдан илмий тиббиёт микро даражада илмий исботга таянган анъанавий табобатнинг устқурмасидир.

Юқорида қайд этилганидек, табобат анъаналари усул ва қўлланиладиган воситалар асосида турли халқларда турлича кўринишда шаклланган. Жумладан ўзбек халқ табобати ҳам асрлар давомида халқнинг яшаш тарзи, табиат билан муносабати ва ҳудуднинг географик жойлашуви асосида шаклланган. Иккинчи томондан, Ибн Сино, Султон Али табиб, Маҳмуд Ҳаким Яйпоний Ҳуқандай, Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший каби соҳа вакилларининг изланишлари ва ёзма манбалари асосида шаклланган.

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан забт этилгач, барча соҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўзгаришлар юзага келди. Халқимиз минг йиллар давомида кенг фойдаланиб келган табобат анъаналарига муқобил

сифатида замонавий тиббиёт хизматлари ҳам тарғиб этилди. Ўлканинг турли ҳудудларида тиббиёт масканлари ташкил этилиб, шифокорлар хизмати жорий этилди. Ўлкада фаолият юритган европалик шифокорлар ўз асарлари, кундаликларида маҳаллий ўлка табобатининг ютуқлари билан бир қаторда камчиликларини кенгроқ очиб беришга ҳаракат қилган [5], [6;262–273], [7;236-279]. Лекин тан олиш жоизки, XIX аср ва унинг иккинчи ярмида маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислоҳатларга муҳтож ҳамда аҳоли ўртасида табобатга доир эскича қарашларни янги тиббий билимлар билан бойитиш вақти келган эди. Ўша даврда маҳаллий халқ вакиллари ҳам сиҳат-саломатликдаги муаммолар ҳақида маҳаллий ойнома ва рўзномаларда туркум чиқишларни амалга оширган [2], [15], [16], [17]. Хуллас, Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олган даврдаги маҳаллий табобатнинг аҳволи ва аҳолининг саломатлик борасидаги қарашлари бу соҳада янги ислоҳатларни бошлаш имконини берди. Ҳукумат бу вазиятдан фойдаланиб, қийинчиликсиз ўзининг замонавий тиббиёт ютуқларини жорий эта бошлади. Илк дорихоналар, шифохонлар шу асосда юзага кела бошлади. Лекин Чор Россиясида давлат тўнтарилиши бўлгунга қадар Туркистонда замонавий тиббиёт билан халқ табобат анъаналари тенгма-тенг фаолият юритган. Илк даврларда ҳукумат ўз сиёсатини амалга ошириш мақсадида тиббиётни (аввало хукумат тиббиётга халқ ишончини қозониш воситаси сифатида қараган) мутлоқ устунлик билан жорий этишга ният қилган бўлсада айрим сабаблар халқ табобатининг кун тартибида сақланишига омил бўлди. Жумладан, шифокорларнинг аксарияти хорижлик бўлиб маҳаллий тилни билмаганлиги, маҳаллий аҳоли эса рус тилини яхши билмаганлиги учун шифокорларга тўғридан-тўғри мурожаат қилишолмаган. Бу масалада ҳукумат бир муддат тил жиҳатдан яқин бўлган татар шифокори хизматидан ҳам фойдаланган. Иккинчи томондан, тиббиёт хизматлари нархи илк даврларда маҳаллий аҳолининг даромад даражасидан қиммат бўлганлиги ҳам яна бир омил бўлди дейиш мумкин. Кейинчалик янги ҳукумат тиббий хизматларни бепул қилиб бу борада масалага нуқта қўйди. Учинчи томондан, илк даврларда маҳаллий ўлка аҳолиси замонавий тиббиёт

жиҳозлари ва хизматларига бегона кўз билан қараган ва табиблар фаолияти ва тиббий анъаналарни ўзиники деб хавфсирамасдан қараган. Бу каби кўникмаларни ўзгартириш учун хукуматга бироз вақт керак бўлди [8].

Кейинчалик 1917 йил давлат тузумида ўзгариш юз берганидан сўнг, янги хукумат диний соҳада олиб борган ислоҳатлари фонида мистик табобат вакиллари қаторида эмпирик табобат ҳам қўшиб таъқиққа дучор этилди. Чунки мистик табобатда ислом дини элементлари учраса, эмпирик табобат халқнинг маънавий мероси билан боғлиқ илм эканлиги диққат марказда бўлган. Натижада, халқ табобатининг собиқ иттифоқ бўйича таъқиқланиши, ўз навбатида, ўзбек халқ табобатини ҳам четлаб ўтмади ва табиблик фаолияти ҳукуматнинг махфий қарори билан қатъий таъқиқланиб, табиблар таъқибга олинди [18;7]. Айнан 1926 йилда ЎзССР халқ комиссарлар Кенгаши ва МИҚ томонидан табиблик фаолиятининг таъқиқлашга доир қабул қилинган Қарор [12;63-71] натижасида халқ табобати билан шуғулланиш ёки махсус рухсатномасиз табиблик қилиш чекланди. Бу каби таъқиқлар нафақат бизнинг ҳудудда, балки Совет Иттифоқининг барча ҳудудларида амалда бўлган [14;17], [13;173]. Шундан сўнг вазият то 50 йилларнинг иккинчи ярмига қадар ўзгармади. Яъни, табобат билан шуғулланиш ёки бу борада чиқишлар қилиш қатъий назоратга олинди. Ўтган асрнинг ўрталарида давлат раҳбариятидаги ўзгаришлар, аксарият парда ортида сақланган масалалар секин асталик билан юз очишига сабаб бўлди. Илк босқичда ботаник ва зоолог олимлар маҳаллий ўлкага хос флора ва фаунанинг тиббий хусусиятлари ва даволашда қўлланилиши бўйича чиқишлар қилишди [4;238]. Яъни, табобат илми ёки анъаналарига доир қарашлар замонавий билимлар билан уйғунлашган ҳолда илмий исботини топгач қайта муомалага киритила бошланди. Фақатгина 1975 йилга келиб табобат анъаналарини этнографик ракурсда ўрганиш ва натижаларни эълон қилиш борасида катта қадам ташланди. Шу йили собиқ Иттифоқ миқёсида [10;156-160] табобат анъаналарини ўрганишга бағишланган анжуманда халқ табобати анъаналари этнология фанининг тадқиқот предмети сифатида тилга олинди. Ушбу

анжуманда Х.Аллаяров “Хоразм ўзбекларининг халқ табобати” номли тезис билан иштирок этиши ҳам ўша вақтида ўзбек халқининг табобат анъаналарига бўлган муносабатни шакллантиришда аҳамият касб этган [10;158]. Шундан сўнг табобат анъаналарини тиклашга уриниш ва ўз хизматини табиб сифатида таклиф этувчи гуруҳларнинг шаклланиши юз берди. Жумладан саксонинчи йилларда, айниқса асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда хам табобат анъаналари табиий равишда қайта тиклана бошлади. Бунинг иккита сабаби бор эди: биринчидан, ошкоралик ёки қайта қуриш сиёсати шуни кўрсатдики мамлакатда тиббий хизмат оғир аҳволда. Ёш болалар ва оналар ўлими катта фоизга кўтарилган, чекка ҳудадлардаги тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник аҳволи ёмон, керакли жиҳозлар ва дори-дармонлар тақчиллиги кузатилаётган пайт бўлиб, унга аҳоли реал даромадининг пастлиги қўшилиб, соғлиқни салаш соҳасидаги барча иллатларни рўй-рост кўрсатиб берди. Иккинчи томондан, ўша йилларда ўтиш даврининг асорати ва халқнинг иқтисодий ҳолатидан фойдаланиб, барча беморларни масофадан туриб даволовчи биотиббиёт (экстрасенс) вакиллари ўзларини кенг реклама қила бошлашди ҳамда улар ўз усулларини ўтмиш анъаналарга асосланади деб тарғиб қилиши натижасида аҳолининг бу соҳага бўлган қизиқиши ошди. Жумладан, бу борада катта ютуқларга эришган Кашпировский йил одами деб топилган ва ҳатто депутатликка номзоди қўйилган [14;25]. Бизда ҳам айрим журналларда ҳам экстрасенс табиблар фаолияти кенг ёритила бошланди [9;7].

Натижада халқ табобатининг мистик тури оммавий шаклланди. Чунки 1926 йилги таъқиқ натижасида эмпирик табиблар сони ва сифати жуда паст эди. Шундай бўлсада, табобатни эмпирик усуллари асосида қайта тиклашга бўлган уринишлар бўлди. Жумладан, бу борда катта натижага эришган табиб Муҳиддин Умаров бўлди. М.Умаров 1990 йили Наманган шаҳрида “Шарқ табобати” марказини очиш ташаббуси билан чиқади ва бунинг учун ҳатто Москвадан рухсат олишга эришди. Табиб ташкил қилган ушбу марказ

бугунги кунда ҳам фаолиятини тўхтатмаган. Айтиш мумкинки ушбу марказнинг очилиши ўша даврда соҳада олдинга ташланган катта қадам эди.

Мустақиллик йилларида эса табиблар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари акс этган қонун ҳужжатларининг йўқлиги ва амалда уларни назорат қилинмаслиги турли кичик табобат уюшмаларининг юзага келиши билан тугади. Ҳатто 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида халқ табобати ва табиблик фаолияти умуман эътироф этилмаган [19;18].

М.Умаров бошчилигидаги “Шарқ табобати” маркази билан бир қаторда М.Салоев раҳбарлигида “Шарқ” кичик корхонаси [11], ҳамда 1992 йилда Жиззахда фаолиятини бошлаган “Суфий табобати” марказларини келтириш мумкин. Айтиш жоизки мустақилликнинг илк йилларида табобатнинг эмпирик шакли билан даволовчилар, табиблар сони мистик табобат вакилларига нисбатан камчиликни ташкил этган. Чунки, биринчидан мистик табобат усулларини эмпирик усулчалик назорат қилиш қийин. Иккинчидан, узоқ йиллик қатъий таъқиқ эмпирик табиблар фаолиятига жиддий зарба берган эди. Ниҳоят, учинчидан, истиқлолнинг илк даврида диний эркинликнинг берилиши ҳам қисман бунга сабаб бўлди. Чунки, диний билимларининг бир хил ёки юқори эмаслиги ҳатто мистик табиблар (фолбин, азаимхон, садқоқчи)га ҳам эмпирик даво истаб борилишига сабаб бўлди.

Табиблар фаолиятини норасмий бўлсада тартибга солиш, табобат анъаналарини тизимлаштирига қаратилган амалий ишлардан бири 1996 йил М.Ҳамроев томонидан “Халқ табобати академияси” МЧЖнинг ташкил этилиши ва унинг қошида 2000 йилдан “Шарқ табобати” журнали нашрининг йўлга қўйилиши бўлди. Ушбу ташкилот қарийб йигирма йилдан ортиқ сохта, фирибгар табиблар билан курашиб, ўзбекларнинг табобат анъаналари, узоқ тарихи, яқин ўтмиши борасида халққа маълумотлар улашиш билан шуғулланди. Бу ишларга параллел равишда 1999 йилда Ибн Сино жамоат фондининг ташкил этилиши [1] ва буюк алломалар меросини ўрганишга бўлган саъй-харакатлар соҳадаги ишларни бирмунча жонлантирганини қайд

этиш жоиз. Шундай бўлсада халқ табобатини тизимли, изчил шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қонунга бўлган эҳтиёж сақланиб қолаверди. Бундай кейинги ўзгаришлар 2017 йилга тўғри келди. Халқ табобати Академияси билан бир қаторда водийда И.Асқаров бошчилигида “Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар Академияси” фаолияти йўлга қўйилди. Бу даврга келиб Ўзбекистонда халқ табобати анъаналаридан фойдаланиш замонавий тиббиёт вакиллари орасида ҳам кенг тарқала бошлади. Жумладан, сўнги беш йилда табиий гиёҳлардан фойдаланиш, ҳижома усули, зулук қўйиш, мизож таълимоти кабилар тиббиёт хизматлари таркибидан жой эгаллади. Ҳатто бугунги кунда дорихоналарда табиий гиёҳлар, хайвон аъзоларидан тайёрланган дорилар каби табобат тавсия этадиган манбалар сотиладиган маҳсус бурчаклар ташкил этилган. Халқ табобати анъаналарини табиий равишда жамият хаётида сақланиб қолиши ҳамда мустақилликнинг илк даврларига нисбатан олганда мистик табобатнинг мутлоқ устунлиги камайиб, эмпирик табобат усулларининг жорий этилиши – бу соҳани Қонун билан тартибга солиш вазифасини қўйди. Натижада Президентнинг 2018 йил 12 октябр куни “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] Қарори қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, ушбу Қарор натижасида халқнинг саломатлик маданиятини шакллантириш, соғлиқни сақлаш тизимида тиббиёт ва табобат интеграциясини шакллантириш имконияти пайдо бўлди. Барча оилавий поликлиникалар таркибида халқ табобати хоналари ва хизматларининг ташкил қилиниши, ОАВда табобат тарихи ва усулларига бағишланган кўрсатувларнинг эфирга узатилиши оқибатида соф ўзбек халқ табобати анъаналарининг қайта тикланиишига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, замонавий тиббиёт тавсия этаётган усуллар ва дори-дармонлар қарийб бир асрлик тарихга эга. Халқ табобати анъаналари тақдим этаётган усуллар ва дориворлар барча этносларнинг шаклланиш даври билан тенг. Халқ табобати инсон яшаб турган муҳитда

ўниб-ўсган табиий хом-ашёлардан олиниб, табобат хар бир индивид яшаб турган муҳитдан унинг касаллик сабаби ва давосини излайди. Тан олиш зарур, тиббиёт ютуқлари бугунги кунда монопол даражада кучга эга. Лекин тиббиётнинг асосий муаммоси фармацевтикада бўлиб, аксарият кимёвий дорилар билан даволашга эътибор қаратади. Бу эса турли аллергияни келтириб чиқариши, дориларни ножуя таъсир қилиши ва инсон организмини яхлит даволаш механизмининг ишламаслиги (кимёвий дорилар инсоннинг бир аъзосига ижобий, бошқасига салбий таъсир этиши амалиётда исботланган) каби камчиликларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли инсон саломатлигини асрашга қаратилган ягона йўл бу – тиббиёт ва табобат уйғунлигига асосланган тизимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январь ПФ-2171-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1999. – № 1.
2. Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-октябрь ПҚ-3968-сон Қарори. lex.uz.
3. Алимбаева П. и др. Лекарственно-растительное сырье Киргизии, применяемое в практической медицине. – Фрунзе: Илим, 1982. – С.15-22.
4. Виноградов А. Список лекарственных растений, применяемых в народной медицине Средней Азии // ТРУДЫ Туркменского Государственного Медицинского Института. Том IV. – Ашгабад, 1950. – С.338-348.
5. Колосова Г. О народном врачевание сартов и киргизов Туркестана. Т. II. – СПб: Военная Типография в здание Гл. штаба, 1903. – 128 с.
6. Краузе И. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях в Средней Азии // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II. – Москва, 1872. – С.94.

7. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. 1. – Новый Маргелан: Тип. Фер. Обл.Правления, 1891. – 288 с.
8. Лыкошин Н. Сартарашъ (туземный брадобрей и цирюльникъ) // Туркестанские ведомости. – 1903. – № 75. – С.325.
9. Орипова М. Халқни алдаб бўлмайди // Сирли олам. – 1991. – № 10. – Б.7.
10. Пестряков А. Всесоюзная конференция по этнографическим аспектам изучения народной медицины // Советская этнография. – 1975. – № 6. – С.156-160.
11. Салоев М. Мустақил Ўзбекистон халқ табобатига муҳтож // Халқ сўзи. 1992 йил 4 сентябрь. – 4 б.
12. Сейфульмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. – 1928. – № 9–10. – С.63-71.
13. Стелла А. Народная медицина Абхазов. – Москва: Институт этнологии и антропологии РАН, 2007. – 216 с.
14. Традиционная медицина: политика и практика профессионализации. / Под ред. Е. Ярской-Смирновой. – Москва: Вариант, 2011. – 212 с.
15. Фалбины / Туркестанские ведомости. 1909 йил, 1 октябр. – № 70. – С.299.
16. Хожи Муин. Тибб ва ҳифзус-сиҳҳатда риоятсизлигимиз // Ойна, 1914. – №33. – Б.37.
17. Хожи Муин. Бизда соғлиқни қақшатиш ишлари // Машраб, 1925 йил, 20-сон. – Б.16.
18. Хонназаров Р. Халқ табобати ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари // Шарқ табобати. – 2017. – № 1. – Б.5-7.
19. Хонназаров Р. Халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш: юрид.ф.д. учун ёзилган дисс. авторефрерати. – Тошкент, 2019. – 63 б.
20. Қодирий, Абдулла. Давосиз дардлар // Туркистон, 1922 йил, 14-декабр, 36-сон. – Б.4-5.